



ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР ВА БОЗОРНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

Акбаров Машхур Исмоналиевич¹, Искандаров Кудрат
Шухратович²

¹ Тошкент давлат транспорт университети доценти

² Тошкент давлат транспорт университети ассистенти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7198919>

ARTICLE INFO

Received: 27th September 2022

Accepted: 07th October 2022

Online: 14th October 2022

KEY WORDS

ички ва ташқи омилар,
йўловчи айланмаси, ўртача
ташиш масофаси, аҳоли жон
бошига реал даромадлар.

ABSTRACT

Ушбу мақолада 2012-2021 йиллар кесимида Ўзбекистон Республикасининг транспорт турлари бўйича ташилган йўловчилар сони, йўловчи айланмаси ва ўртача ташиш масофаси кўрсаткичлари таҳлил қилинди. Йўловчиларнинг йўловчи ташиш транспорт турлари танловига таъсир кўрсатувчи ички ва ташқи омилар тизимли равишда таҳлил қилинди. Мамлакатимизда йўловчи ташиш хизматлари бозорини ривожлантириш бўйича турли таклифлар ишлаб чиқилди.

КИРИШ

Ҳозирги кучли рақобатга асосланган бозор иқтисодиёти шароитида истеъмолчилар эҳтиёжлари ва талабларни тўлиқ тушуниб, шунга мос товар ва хизматлар билан таъминлаш тижорат фаолиятини самарали бўлишини кафолатлайди. Бундан ташқари, рақобатбардош транспорт хизматлари бозорида компания ўз ўрнини мустаҳкамлаш имкониятини яратди. Бу вазифани амалга оширишда, компания томонидан энг аввало йўловчилар транспорт турларидан қандай ва қай даражадаги хизматларни кутаётганлигини аниқлаш лозим. Мамлакат иқтисодиётида транспорт хизматлари ишлаб чиқариш ва аҳолининг ҳаракатланиши, мамлакатнинг узоқ яқин барча

ҳудудларни ягона транспорт комплексга бирлаштириши, ижтимоий-иқтисодий ҳамда фан-техника тараққиётига ҳисса қўшиши билан намоён бўлади. Йўловчи ташиш хизматларининг ривожланиши жамиятнинг кўплаб соҳаларига таъсир этади.

Истеъмолчиларнинг йўловчи ташиш транспорт турлари танлашига таъсир қилувчи омилар таҳлилини олиб боришда уларни тизимлаштириш, истеъмолчиларнинг хулқ-атворини қатъий белгиловчи муҳим омилар гуруҳи сифатида фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Йўловчиларнинг транспорт хизматларини танлаш омиларини ички ва ташқи омиларга бўлиб, қуйидагича тизимлаштириб олсак бўлади. (1-жадвал).

1-жадвал

Истеъмолчиларни йўловчи ташиш транспорт турлари танлашига таъсир этувчи омилар тизими¹

¹ Рахматов З.Н. “Темир йўл йўловчи ташиш транспортида маркетинг коммуникацияларидан фойдаланишни такомиллаштириш” мавзусидаги иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD) диссертацияси.



Танловга таъсир этувчи омиллар		
Ички таъсир омиллари	Йўловчиларнинг ресурслари	Йўловчиларнинг маблағлари
		Йўловчиларнинг вақти
		Йўловчиларнинг ҳаракатлари
		Йўловчилар билим ресурслари
		Капитал (шахсий транспорт)
	Ижтимоий-психологик омиллар	Хавфсизликка муносабати
		Корхонага садоқати
		Қулайликка муносабати
	Сафар мақсади омиллари	Меҳнат сафарлари
		Оилавий сафарлар
		Шахсий сабаб билан саёҳат
		Туризм ва дам олиш масканларига саёҳат
Ташқи таъсир омиллари	Географик омиллар	Масофа
		Иқлим
		Транспорт инфратузилмасининг ривожланганлик даражаси

Темир йўл йўловчи ташиш транспорти корхоналари маркетинг ходимларининг асосий вазифаси – корхона фаолиятини истеъмолчиларнинг талабига йўналтириш ва уларни хизматлар нархлари, уларнинг ассортименти ҳамда сифатидан истеъмолчилар қониқишига қаратилган маркетинг коммуникация тадбирлари билан қўллаб-қувватлаш, яъни истеъмолчи талабини рақобатчиларга нисбатан самаралироқ ва қулайроқ усулда қондиришдир. Шу

сабабли, йўловчиларни ташиш соҳасида маркетингнинг дастлабки босқичи истеъмолчилар ва уларнинг хулқ-атворини ўрганиш, жамланган маълумотлар асосида транспорт хизматларига талабни шакллантиришдир.

Республикада 2011-2021 йилларда аҳолининг реал даромадлари қарийб 5 баробарга ортган ва худди шу даврда доимий аҳоли сони 19 %га кўпайиб, 35,3 млн. кишини ташкил этган (1-2-расм).



1-расм. Доимий аҳоли сони динамикаси²

² www.stat.uz



2-расм. Аҳоли жон бошига реал умумий даромадлар динамикаси³

Доимий аҳоли сони ва аҳоли жон бошига реал умумий даромадларнинг ортиши йўловчи ташиш хизматлари бозорида талабни янада ошишига ҳизмат қилади. Талабнинг ортиши темир йўл транспорти, ҳаво йўллари ва автомобил транспорти турлари ўртасидаги рақобатни шаклланишига катта туртки беради.

Республикада йўловчи ташиш хизматлари бозорининг асосий улуши автомобиль транспортига тўғри келади, 2021 йилда автомобиль транспортида ташилган йўловчилар умумий йўловчилар ҳажмининг 98,0 фоиздан кўпроғини ташкил этди. 2012-2021 йилда ташилган йўловчилар 4763,0 млн.

кишидан 6029,7 млн. кишига, яъни деярли 27 %га ошган бўлсада 2020 йилдаги пандемия туфайли бу кўрсаткич 5295,9 млн. кишига камайганини кўришимиз мумкин. Автомобил транспорти бўйича ташилган йўловчилар сони 2012-2019 йиллар орасида 26,8 фоизга ошган бўлса бу кўрсаткич темир йўл транспорти ва ҳаво йўлларида мос равишда 44,0 % ва 28 %га ошганини кўришимиз мумкин. Лекин айнан 2020 йилдаги пандемия туфайли ҳаракатнинг чекланиб қолиши, темир йўл транспорти ва ҳаво йўлларига ўзининг улкан салбий таъсирини кўрсатмай қолмади. (1-жадвал).

1-жадвал

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ҳажми ва йўловчи айланмаси⁴

Кўрсаткич-лар	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
Ташилган йўловчилар, млн. киши	4763,0	4909,9	5169,9	5380,0	5560,4	5679,0	5951,5	6025,1	5295,9	6029,7
шу жумладан:										
темир йўл	15,9	17,4	19,1	20,1	20,5	21,1	22,1	22,9	6,2	7,9
ҳаво йўллари	2,5	2,4	2,3	2,2	2,1	2,2	2,6	3,2	0,9	3,0

³ www.stat.uz

⁴ www.stat.uz



шаҳар электр транспорти	80,7	74,3	69,5	64,5	57,0	64,4	74,0	83,8	40,3	104,6
Автомобиль транспорти	4 663,9	4 815,8	5 079,0	5 293,2	5 480,8	5 591,3	5 852,8	5 915,2	5 248,5	5 914,2
Йўловчи айланмаси, млрд. йўловчи-км	100,2	106,9	113,2	120,1	126,0	130,0	135,3	140,1	118,3	137,0
шу жумладан:										
темир йўл	3,4	3,7	3,8	3,8	4,0	4,3	4,3	4,4	1,8	3,1
ҳаво йўллари	7,0	7,2	7,0	6,8	6,7	7,5	8,8	11,0	3,0	5,3
шаҳар электр транспорти	0,5	0,5	0,5	0,4	0,4	0,5	0,5	0,6	0,3	0,7
автомобиль транспорти	89,3	95,5	101,9	109,1	114,9	117,7	121,6	124,1	113,2	127,9
Ўртача ташиш масофаси, км	21,04	21,77	21,9	22,32	22,66	22,89	22,74	23,25	22,34	22,72
автомобиль транспорти	12	12	12	13	21	21	21	20	21,6	21,6
темир йўл	216	211	199	187	192	204	195	196	290,3	392,4
ҳаво йўллари	2743	2946	3014	3100	3206	3434	3386	3354	3333	1767

Шахсий автомобиллар ёқилғи-энергетика ресурсларини истеъмол қилиш ва йўллардаги тўхташ майдонидан фойдаланиш жиҳатидан самарасиздир. Енгил автомобиллардан ҳаддан ташқари кенг фойдаланиш шаҳарларда ҳавонинг чиқинди газлардан ифлосланиши, шовқин даражаси ошиши, ҳаракат хавфсизлиги пасайиши сингари жиддий муаммоларни келтириб чиқаради. Бундан ташқари, Халқаро жамоат транспорти иттифоқи (UITP) маълумотларига кўра, бир хил ташиш имкониятига эга бўлган темир йўл транспорти шахсий автомобилга нисбатан 20 баравар кам йўл майдонини талаб қилади. Замонавий поездлар битта йўловчи автомобиль билан

таққослаганда ҳавони 5 баравар кам ифлослайди ва ҳар бир йўловчига 3 баравар кам энергия сарф этади⁵. Йўловчиларни ташиш хизматлари бозорига бир қанча омиллар, жумладан: ички ва ташқи муҳит, минтақавий ва маҳаллий, маданий маърифий, аҳоли даромадлари ва бошқа бир қанча омиллар ўз таъсирини кўрсатади. Аҳоли ва унинг даромадлари йўловчи ташиш хизматлари бозорига билвосита таъсир этади. Чунки аҳоли йўловчиларга хизмат кўрсатишнинг асосий истеъмолчиси ҳисобланади.

ХУЛОСА

Мамлакатнинг барча иқтисодий тармоқ ва соҳалари бир бирига занжирли боғлиқлиги туфайли транспорт

⁵ www.uitp.org



фаолияти ҳам бошқа иқтисодий тармоқларнинг ривожланиши, шунингдек, у мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланиши билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Бундан келиб чиқадики, мамлакатнинг иқтисодий барқарорлигини ва ривожланиш

даражасини прогнозлашда транспорт тизими ва унинг алоҳида тармоқ ва соҳаларининг мамлакат ёки минтақанинг ижтимоий-иқтисодий соҳаларига бевосита ва билвосита таъсирини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4143-сон қарори.
2. Рахматов З.Н. “Темир йўл йўловчи ташиш транспортида маркетинг коммуникацияларидан фойдаланишни такомиллаштириш” мавзусидаги иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD) диссертацияси.
3. Мельник Т.С. Направления и виды маркетинговых исследований в сфере пассажирских перевозок с учетом транспортного сообщения. Вестник Белорусского государственного университета транспорта: Наука и транспорт. - 2017. №1, 102 с.
4. Saparbaevna, A. Z., Difuza, U., Raxmatullayevich, R. R., & Soyibovich, M. A. (2021). Digital Logistics as a Factor of Increasing the Volume and Quality of Transport Services. REVISTA GEINTEC-GESTAO INOVACAO E TECNOLOGIAS, 11(4), 2088-2096.
5. www.stat.uz
6. www.uitp.org